

# ХУҚУҚ

МУСТАҚИЛЛИК

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

• «Хуқуқ» боғ уради

## «ЯХШИ ОТГА БИР ҚАМЧИ...»

Шеробод туманида сурунка-сига тўрт-беш йилдан буён пахта тайёрлаш буюртмаси бажарилмай келинаётди. Охириги мартаба қачон режани дундириб қўйишганини ҳатто ўзлари ҳам эслашолмайди.

Ўтган йили ҳар гектар майдондан бор-йўғи 20,1 центнердан хосил кўтарилган, холос. Давлатдан 16 минг 590 тонна ҳам ашё қарздор бўлиб қолишди.

Тумандаги бирорта ҳам хўжалик белгиланган маррага етиб келолмади. Ҳатто санацияга тушган У.Юсуфов номли ва «Толлошкон» жамоа хўжаликлариди ҳам деярли олға қараб силжиш сезилмади.

Республика Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 17 ноябрда «1999 йил ҳосили учун кўзги-кишки агро-техника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилган эди.

Унда барча бўғиндаги мутасадди раҳбарлар олдиға мавсумий дала ишларини тез ва сифатли ўтказиш вазифаси қўйилган. Хусусан, ер ҳайдаш тадбирини 5 декабрда тугаллаш талаб этилган эди.

Афсуски, туман прокуратураси томонидан ушбу қарор ижроси бўйича ўтказилган текширишда сусткашликка йўл қўйила-



ётгани аниқланди.

Бу ҳақда ўтган йилнинг 16 октябрь куни туман ҳоқими Э.Кўйлиев номига ахборотнома йўлланди. Аммо, шундан кейин ҳам раҳбарлар масъулияти оширилиб, мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилмоди. Оқибатда энг зарур агротехник тадбирлар ҳам пайсалга солинавёрди. Бунинг устиға баъзи бир мансабдор шахслар кўзбўямачилик йўлиға ўтиб олдилар. Туман прокуратураси томонидан 27 декабрь куни ўтказилган такрорий текшириш жараёнида бундай қонунға зид хатти-ҳаракатлар ошқор бўлиб қолди.

Улаш Туропов ва Нуриддин Муродов номли жамоа хўжаликлариди ҳали бутун-бутун майдонлар ҳайдалмай турарди. Шунга қарамай мазкур хўжаликлар раислари И.Маматраимов ва М.Мирзаев уялмай статистика идорасиға шудгорлаш ишлари тугалланди, деб сохта маълумот беришган. Шу боис уларға нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 215-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш кўзгатилди.

(Давоми 2-бетда).

## Миллий ва маданий қадриятларимиз қонун ҳимоясида



### • Тошкент шаҳар прокуратурасида

#### ТАҲЛИЛЛАР ВА САБОҚЛАР

Тошкент шаҳар прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни шаҳар прокурори М.Наимов бошқарди.

Йиғилишда шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Ҳақназаровнинг «Тошкент шаҳар прокуратураси идораларининг 1998 йилда қонун устиворлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида амалға оширган ишлари тўғрисида»ги маърузаси тингланди.

Маъруза юзасидан Шайхонтоҳур тумани прокурори О.Фузалов, Миробод тумани прокурори М.Маннонов, А.Икромов тумани прокурори М.Хўжаев, ҳайъат аъзолари Б.Фориқов, С.Рўзиев, шаҳар прокурорининг ўринбосарлари Б.Нурмухамедов, М.Мирсолиҳов сўзга чиқдилар.

Ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А.Эргашев қатнашди ва сўзға чиқди.

(Ўз мухбиримиз).

### НИСКАЧА

#### Муҳим фармонлар ва қарорлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитани ташкил этиш тўғрисида»ги;

«Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонлари эълон қилинди.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари, МХХ, Давлат божхона кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулудда вазиятлар вазирликларининг алоҳида ўрнатилган ходимларидан бир гуруҳи ватаннинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

\*\*\*

Республика Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»;

«Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибға солиш тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

## НОГИРОНЛИК АРАВАЧАЛАРИ

Шайхонтоҳур туман Ижтимоий таъминот бўлимида «Лиммузин»дек авайланади ва омборхонада сақланади.

2-3-6.

## ШОҲБЕКАТДАГИ ҚОТИЛЛИК

62 ёшни қаршилаган қоннинг бундай ишға қўл уришини ҳеч ким кутмаганиди.

6-6.

## ҚАДРЛИ ВА ҚАДРСИЗ ВАҚТ

Синчков синчининг вақт ҳақидаги кузатишлари.

8-6.

## ЧИМИЛДИҚДА ОТИЛГАН ЎК

Ҳар фаслда маъсума келин-чакнинг қабри устида тўп-тўп чечаклар армон бўлиб очилади. О.Азизим, буни қисмат дейдилар.

Гар қисматинг шу бўлса нетай...

7-6.















